



ПАССИВЛАРНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТИ СИФАТИДА

PhD Ибодуллаев Шохбоз Тўлқин ўғли
Тошкент Кимё халқаро университети
ORCID: 0000-0002-3885-711-X
sh_ibodullayev@mail.ru

Аннотация. Тижорат банклари пассивларининг барқарорлигини таъминлаш уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва тўловга қобиллигини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Жумладан, регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғини барқарор бўлиши тижорат банкнинг молиявий инқирозларнинг оқибатларига чидамлилигини оширади, депозитларнинг етарлилигини таъминлаши эса, банкнинг ресурс базасининг барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Мақолада Ўзбекистон тижорат банклари пассивларининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган. Жумладан, тижорат банклари регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлаш имкониятлари асослаб берилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, пассив, регулятив капитал, мажбурият, депозит, ресурс, фоизли спрэд.

ОБЕСПЕЧЕНИЕ СТАБИЛЬНОСТИ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ КАК НЕОБХОДИМОЕ УСЛОВИЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

PhD Ибодуллаев Шохбоз Тулқин угли
Научный исследователь Ташкентского
международного университета имени Кимё

Аннотация. Обеспечение устойчивости пассивов коммерческих банков является обязательным условием обеспечения укрепления их ресурсной базы и обеспечения платежеспособности. В частности, стабильность удельного веса регулятивного капитала в объеме пассивов повышает выносливость коммерческого банка к последствиям финансовых кризисов, а обеспечение достаточности депозитов занимает важное место в укреплении ресурсной базы банка.

В статье разработаны научные предложения, направленных на обеспечение стабильности пассивов коммерческих банков Узбекистана. В частности, обоснованы возможности обеспечения стабильности удельного регулятивного капитала в объеме пассивов коммерческих банков.

Ключевые слова: коммерческий банк, пассив, регулятивный капитал, обязательства, депозит, ресурс, процентный спрэд.

ENSURING STABILITY OF OBLIGATIONS AS A NECESSARY CONDITION FOR ENSURING THE COMPETITIVENESS OF A COMMERCIAL BANKING

PhD **Ibodullaev Shokhboz Tulkin ogli**

Researcher of Tashkent International University of Kimyo

Annotation. Ensuring the sustainability of commercial banks' liabilities is a prerequisite for strengthening their resource base and ensuring solvency. In particular, the stability of the share of regulatory capital in the volume of liabilities increases the resilience of a commercial bank to the consequences of financial crises, and ensuring the adequacy of deposits plays an important role in strengthening the bank's resource base.

Key words: commercial bank, liability, regulatory capital, obligations, deposit, resource, interest spread.

Кириш.

2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида мамлакат тижорат банкларининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш, жумладан, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, банкларда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш кўзда тутилган (Фармон, 2020).

Шунингдек, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида мамлакат банк тизимини ривожлантириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Чунончи, Стратегияга мувофиқ, банк тизимида ислохотларни жадаллаштириш, банк хизматлари бозори ҳажмини ошириш ва соҳада рақобатни ривожлантириш мақсадида 2030 йилга қадар банк ва молия тизимида йиллик кредитлаш ҳажмини 40 миллиард долларга етказиш, банк омонатлари ҳажмини 4 баробарга ошириш, банкларни хусусийлаштириш ва давлат ихтиёрида 3-4 та банкни сақлаб қолиш, банк бозорига камида 4 та йирик нуфузли чет эл банкларини жалб қилиш, банкларга халқаро тан олинган минимал стандарт ва талабларни жорий қилиш орқали меъёрлар ва назорат базаларини такомиллаштириш, камида 3 та тижорат банкларида ислом молияси мезон ва тартибларини жорий этиш, ислом молиясининг қонуний асосларини шакллантириш кўзда тутилган (Фармон, 2023).

Юқорида қайд этилган ҳолатлар тижорат банкларининг рақобатбардошлигини таъминлашда пасивларнинг барқарорлигини таъминлашни муҳим ўрин тутишини кўрсатади.

Тадқиқот методологияси.

Тижорат банкларининг депозит базасини мустаҳкамлашнинг марказий масаласи бўлиб, депозит базанинг етарлилигини таъминлаш масаласи ҳисобланади.

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини аниқлашда икки услубиётдан, яъни Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг экспертлари томонидан ишлаб чиқилган услубиётдан ва АҚШ банк назорати органлари (Федерал захира тизими, Депозитларни суғурталаш федерал корпорацияси ва Пул муомаласини бош назоратчиси) томонидан ишлаб чиқилган CAMELS рейтинг тизимидаги аниқлаш услубиётларидан фойдаланилган.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг экспертлари томонидан ишлаб чиқилган услубиётга кўра тижорат банклари пасивларининг барқарорлигини

таъминлашнинг бир услуги сифатида тижорат банкларининг депозит базасининг барқарорлигини таъминлаш назарда тутилади. Ушбу қиймат талаб қилиб олинадиган депозитларни жами депозитларга нисбатини 100 га кўпайтириш йўли билан аниқланади. Агар ушбу кўрсаткич 30 фоиздан ошмаса, тижорат банкининг депозит базаси етарли деб ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Кудашеванинг (2007) фикрига кўра, тижорат банкларининг рақобатбардошлилигини тавсифловчи кўрсаткичлар гуруҳи бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- активлар ва пасивларнинг сифати;
- капиталнинг етарлилиги;
- банк фаолиятининг фойдалилиги ва рентабеллиги.

Усоскиннинг (2019) хулосасига кўра, молия тизимининг либераллаштирилиши муносабати билан тараққий этган мамлакатларнинг банк хизматлари амалиётида юзага келган ўзгаришлар, хусусан, нобанк молия институтларининг анъанавий банк операциялари бўлган пуллик ҳисоб-китоблар, фирмаларни қисқа муддатли кредитлаш, кредит карталари билан операцияларни амалга ошириш, жорий ҳисобрақамларни юритиш, жамғармаларни қабул қилиш операцияларини амалга оширишни бошлагани, йирик конгломератлар ва ихтисослашган молия муассасаларининг тижорат банклари учун шуғулланиш таъқиқланган операцияларни амалга ошираётганлиги тижорат банкларининг молия бозорларидаги нуфузига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирди.

Ҳақиқатдан ҳам, юқорида эътироф этилган анъанавий банк хизматлари кўрсатишни банк бўлмаган молия муассасаларига ва реал секторга мансуб бўлган айрим компанияларга рухсат берилганлиги молиявий хизматлар бозорида банкларга нисбатан кучли рақобатни юзага келтирмоқда.

Хекманнинг (1979) кросс-секциявий селектив моделида тижорат банклари капиталидаги “тешиклар”ни ҳосил бўлиши банк операцияларининг муддатли таркибидаги мувозанатнинг бузилиши натижаси эканлиги асослаб берилган. Ушбу модель маълум бир кўрсаткичнинг даражасини аниқловчи стандарт регрессион моделлардан, масалан, чизиқли моделлардан фарқ қилади. Масалан, селектив моделлар ўрганилаётган объектни тўлиқсиз танловга (sample selection bias) киритиш имконини сақлаб қолади. Бунда моделда иқтисодий агентларнинг икки гуруҳи – уй хўжаликлари ва компаниялар кўриб чиқилган бўлиб, ҳар бир гуруҳ учун номувозанатлиликнинг қуйидаги уч тури кўзда тутилган:

- 1 йилгача муддатдаги операциялар бўйича номузанатлилик;
- 1 йилдан 3 йилгача муддатдаги операциялар бўйича номувозанатлилик;
- 3 йилдан ортиқ муддатдаги операциялар бўйича номузанатлилик.

Меркулова (2011) тадқиқоти натижаларига асосланган ҳолда хулоса қиладики, тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Ҳақиқатдан ҳам, капиталлашиш даражасини ошириш тижорат банкларининг рақобатбардошлик даражасини ошириш имконини беради. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, капиталлашиш даражаси тижорат банкларининг тўловга қобиллигини тавсифловчи асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади; иккинчидан, тижорат банкининг кредитлари ва инвестициялари ҳажмини ошириш бевосита биринчи даражали регулятив капиталга нисбатан ўрнатилган пруденциал меъёрларнинг талабига боғлиқ; учинчидан, тижорат банки жорий фаолиятдан кўрилган зарарларни регулятив капитал ҳисобидан қоплайди.

Бердияровнинг (220) хулосасига кўра, тижорат банклари бирламчи захираларининг ўсиш суръатини депозитларнинг ўсиш суръатидан ортида қолмаслигини таъминлаш, юқори ликвидли активларнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғининг барқарор даражасига эришиш, ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғининг нисбатан юқори ва барқарор даражасини таъминлаш орқали тижорат банкларининг жорий ликвидлигини таъминлаш лозим.

Бердияровнинг (2020) ушбу хулосаси республикамиз тижорат банклари – Асакабанк, Туронбанк ва Алоқабанкнинг активлари ва пассивларига оид бўлган маълумотларнинг таҳлилларига асосланган бўлиб, тижорат банкларининг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар республикамиз тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида нисбатан кичик салмоқни эгаллайди; иккинчидан, тижорат банклари депозит базасининг етарлилиги таъминланмаган. Бу эса, тижорат банкларининг ликвидлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

Омоновнинг (2008) таклифига кўра, “тижорат банклари узоқ муддатга мўлжалланган субординар қимматли қоғозларини муомалага чиқариши зарур. Уларнинг сўндириш муддатини камида 10-15 йил қилиб белгилаб, фоиз ставкалари ҳам нисбатан паст даражада бўлиши лозим. Субординар қимматли қоғозларнинг 80-90 фоизини Ўзбекистан Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг мажбурий захиралари ва бошқа маблағлари ҳисобидан сотиб олиши мақсадга мувофиқ. Бунда шакллантирилаётган маблағлар тижорат банкларининг қўшимча капиталини оширишга йуналтирилиши лозим. Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши республикамизда монетизация коэффициентини ошириш ва банкларга нисбатан арзон манбалар ҳисобидан капиталлашув даражасини ошириш имкониятини беради”.

Омоновнинг ушбу таклифи республикамиз тижорат банкларининг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, узоқ муддатли субординар қимматли қоғозларни Марказий банк томонидан банклар ўтказган мажбурий захира ажратмалари ҳисобидан сотиб олиниши уларни кафолатланган тарзда жойлаштириш ҳисобланади; иккинчидан, ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида тижорат банкларининг иккинчи даражали капитал миқдори кўпаяди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Базель-III (2010) стандартининг муҳим талабларидан бири – бу қўшимча захираларни ташкил қилиш ҳисобига регулятив капиталнинг етарлилигини 13 фоизга етказиш йўли билан тижорат банкларининг барқарорлик даражасини ошириш ҳисобланади. Ана шу мақсадда банк амалиётида илгари мавжуд бўлмаган захиралар (капиталнинг ҳимоявий консервация буфери, капиталнинг контрциклик буфери) амалиётга жорий этилди. Бунинг натижасида регулятив капиталнинг миқдори биринчи даражали капитал ҳисобидан кўпайди.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқ кўринадики, Deutsche Bankда регулятив капиталнинг миқдори 2020-2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, регулятив капиталнинг миқдори 2023 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада кўпайган. Бу эса, Deutsche Bankнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

1-жадвал

Германиянинг Deutsche Bank ида регулятив капиталнинг миқдори
ва брутто активларга нисбатан даражаси

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | | |
|--|--------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 |
| Регулятив капиталнинг миқдори, млн. евро | 63174 | 62495 | 55857 | 54786 | 58027 | 61959 | 64486 |
| Регулятив капиталнинг брутто активларга нисбатан даражаси, % | 4,3 | 4,6 | 4,3 | 4,1 | 4,4 | 4,6 | 4,9 |

Манба: жадвал муаллиф томонидан Deutsche Bankнинг йиллик ҳисоботлари (bankofamerica.com) маълумотлари асосида ҳисобланган.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Deutsche Bankда регулятив капиталнинг брутто активларга нисбатан даражаси 2017-2023 йилларда 4,0 фоиздан паст бўлмаган барқарор даражада бўлган. Бунинг устига, мазкур кўрсаткичнинг даражаси 2023 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.

2-жадвал

АҚШнинг Bank of America банкида регулятив капиталнинг миқдори
ва брутто активларга нисбатан даражаси

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | | |
|--|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|
| | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 |
| Регулятив капиталнинг миқдори, млн. АҚШ доллари | 267146 | 265325 | 264810 | 272924 | 270066 | 273197 | 291646 |
| Регулятив капиталнинг брутто активларга нисбатан даражаси, % | 11,7 | 11,3 | 10,9 | 9,7 | 8,5 | 8,9 | 9,2 |

Манба: жадвал муаллиф томонидан Bank of America банкининг йиллик ҳисоботлари (bankofamerica.com) маълумотлари асосида ҳисобланган.

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқ кўринадики, Bank of America банкида регулятив капиталнинг миқдори 2021-2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, регулятив капиталнинг миқдори 2023 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада кўпайган. Бу эса, Bank of America банкининг рақобатбардошлик даражасини ошириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Bank of America банкида регулятив капиталнинг брутто активларга нисбатан даражаси 2017-2023 йилларда юқори бўлган. Лекин, мазкур кўрсаткичнинг даражаси 2023 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бу эса, ушбу даврда брутто активларнинг ўсиш суръатини регулятив капиталнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади. Bank of America банкида 2023 йилда 2017 йилга нисбатан регулятив капиталнинг ўсиш суръати 9,2 фоизни ташкил қилгани ҳолда, брутто активларнинг ўсиш суръати 39,4 фоизни ташкил этди.

3-жадвал


ТИФ Миллий банки регулятив капиталнинг миқдори ва
пассивлар ҳажмидаги салмоғи

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | | |
|--|--------|-------|--------|--------|--------|--------|--------|
| | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 |
| Регулятив капиталнинг миқдори, млрд. сўм | 4 806 | 5 722 | 13 141 | 13 873 | 14 768 | 16 377 | 17 848 |
| Регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи, % | 9,3 | 10,1 | 19,7 | 17,4 | 16,4 | 13,7 | 14,0 |

Манба: жадвал муаллиф томонидан ТИФ Миллий банкининг молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқ кўрингайки, ТИФ Миллий банкида регулятив капиталнинг миқдори 2017-2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқ кўрингайки, ТИФ Миллий банкида регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи 2019-2022 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бироқ, ушбу кўрсаткич 2023 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада (4,7 ф.п.) ошган.



1-расм. ТИФ Миллий банки, Асакабанк ва Саноатқурилишбанкда талаб қилиб олингунча депозитларнинг жами депозитлардаги салмоғи, фоизда (ҳар бир молиявий йилнинг 31 декабрь санасига)

Манба: расм муаллиф томонидан ТИФ Миллий банки, Асакабанк ва Саноатқурилишбанкнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган

1-расмдан қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

ТИФ Миллий банкида талаб қилиб олингунча депозитларнинг жами депозитлардаги салмоғи 2017 ва 2018 йилларда жуда юқори бўлган, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан кескин пайган. Бунинг устига, мазкур кўрсаткичнинг даражаси 2023 йилда 2017 йилга нисбатан юқори суръатда пасайган. Бу эса, банкнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Бироқ, таҳлил даврида (2013-2017 йй.) ТИФ Миллий банкида депозит базанинг етарлилиги таъминланмаган.

Асакабанкда талаб қилиб олингунча депозитларнинг жами депозитлардаги салмоғи 2017-2023 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган ва 2022 йилга келиб депозит базанинг етарлилиги таъминланган. Бу эса, банкнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Саноатқурилишбанкда талаб қилиб олингунча депозитларнинг жами депозитлардаги салмоғи 2017-2019 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган, лекин 2020 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Мазкур кўрсаткичнинг даражаси 2023 йилда 2017 йилга нисбатан юқори суръатда (34,5 ф.п.) пасайган. Бироқ, таҳлил даврида (2013-2017 йй.) Саноатқурилишбанкда депозит базанинг етарлилиги таъминланмаган.

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот жараёнида тижорат банклари пасивларининг барқарорлигини таъминлаш бўйича қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

– Deutsche Bankда регулятив капиталнинг миқдори 2020-2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, регулятив капиталнинг миқдори 2023 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада кўпайган;

– Deutsche Bankда регулятив капиталнинг брутто активларга нисбатан даражаси 2017-2023 йилларда 4,0 фоиздан паст бўлмаган барқарор даражада бўлгани ҳолда, мазкур кўрсаткичнинг даражаси 2023 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган;

– Bank of America банкида регулятив капиталнинг миқдори 2021-2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, регулятив капиталнинг миқдори 2023 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада кўпайган;

– ТИФ Миллий банкида регулятив капиталнинг миқдори 2017-2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи 2019-2022 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бироқ, ушбу кўрсаткич 2023 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада (4,7 ф.п.) ошган;

– ТИФ Миллий банкида талаб қилиб олингунча депозитларнинг жами депозитлардаги салмоғи 2017 ва 2018 йилларда жуда юқори бўлган, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан кескин пайган. Бунинг устига, мазкур кўрсаткичнинг даражаси 2023 йилда 2017 йилга нисбатан юқори суръатда пасайган. Бу эса, банкнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Бироқ, таҳлил даврида (2013-2017 йй.) ТИФ Миллий банкида депозит базанинг етарлилиги таъминланмаган;

– Асакабанкда талаб қилиб олингунча депозитларнинг жами депозитлардаги салмоғи 2017-2023 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган ва 2022 йилга келиб депозит базанинг етарлилиги таъминланган;

– Саноатқурилишбанкда талаб қилиб олингунча депозитларнинг жами депозитлардаги салмоғи 2017-2019 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган, лекин 2020 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бироқ, таҳлил даврида (2013-2017 йй.) Саноатқурилишбанкда депозит базанинг етарлилиги таъминланмаган.

Фикримизча, тижорат банклари пасивларининг барқарорлигини таъминлаш орқали уларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида биринчидан, соф фоизли спрэд кўрсаткичининг инфляция даражаси ҳисобга олинган ҳолдаги меъёрий даражасини таъминлаган ҳолда, соф фоизли спрэд ҳисобидан муддатли депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини ошириш зарур; иккинчидан, тижорат банкларини талаб қилиб олинадиган депозитлардан тўғридан-тўғри, яъни уларни муддатли депозит ҳисобрақамига ўтказмасдан туриб, ресурс сифатида фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш керак; учинчидан, қимматли қоғозларнинг эмиссия ҳажмини ошириш ҳисобига банклараро кредитларнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғини пасайтириш лозим; тўртинчидан, иккинчи даражали даражали капиталнинг миқдорини кўпайтириш орқали регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғини ошириш зарур.

Диссертацион тадқиқот жараёнида амалга оширилган таҳлиллар кўрсатдики, тадқиқот объекти бўлган тижорат банкларида пассивларнинг барқарорлиги таъминланмаган. Жумладан, регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғининг барқарорлиги таъминланмаган.

Бунинг устига, хорижий банклардан олинган кредитларнинг банкларнинг пассивлари ҳажмидаги салмоғи нисбатан юқоридир. Бундай шароитда муддатли депозитларнинг ва регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлаш тижорат банклари пассивларининг барқарорлигини таъминлашнинг оқилона йўли ҳисобланади. Лекин, бунинг учун, аввало, соф фоизли спрэдинг меъёрий даражасини таъминлаш керак. Афсуски, банкларимизда соф фоизли спрэдинг меъёрий даражаси таъминланмаган (4-жадвал).

4-жадвал

ТИФ Миллий банкида ва Асакабанкда соф фоизли спрэдинг даражаси, фоизда

| Банклар | Йиллар | | | | |
|------------------|--------|--------|--------|--------|------|
| | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 |
| ТИФ Миллий банки | - 3,2 | - 2,02 | - 0,41 | - 1,81 | 0,71 |
| Асакабанк | - 1,64 | - 0,39 | - 1,54 | - 0,84 | 0,47 |

Манба: муаллиф томонидан ТИФ Миллий банки ва Асакабанкнинг молиявий ҳисоботларининг маълумотлари асосида тузилган.

4-жадвалдаги амалий маълумотлардан аниқ кўринадикки, 2019-2022 йилларда ТИФ Миллий банки ва Асакабанкда соф фоизли спрэд кўрсаткичи салбий мазмунга эга бўлган. Бу эса, ушбу банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан жуда салбий ҳолат ҳисобланади.

Республикамизнинг тижорат банкларида соф фоизли спрэд кўрсаткичини салбий мазмунга эга эканлиги банкларни талаб қилиб олинган депозитлардан кредит ресурси сифатида фойдаланишаётганлиги билан изоҳланади. Чунки, соф фоизли спрэд кўрсаткичини ҳисоблаш методикаси бўйича талаб қилиб олинган депозитлар суммаси ва уларга тўланган фоизлар суммаси инobatга олинмайди.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан ишлаб чиқилган соф фоизли спрэд кўрсаткичини ҳисоблаш методикаси бўйича мазкур кўрсаткичнинг меъёрий даражаси 1,25 фоизни ташкил этади. Фикримизча, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражасини белгилашда инфляцияни ҳисобга олишмаган. Чунки, тараққий этган мамлакатлар иқтисодиётида инфляция муаммоси мавжуд эмас. Шу сабабли, биз соф фоизли спрэд кўрсаткичининг меъёрий даражасини ҳисоблашда, Ўзбекистонда инфляция муаммосининг мавжудлигини ҳисобга олиб, инфляциянинг кутилаётган даражасини ҳисобга олишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармони. “Ўзбекистон - 2030” стратегияси тўғрисида//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон; 29.12.2023 й., 06/23/214/0984-сон.

Кудашова Ю.С. (2007) Совершенствование методики оценки конкурентоспособности коммерческого банка. Дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. – Ставрополь, 2007. – 185 с.

Усоскин В.М. (2019) Современный коммерческий банк: управление и операции. – М.: ЛЕНАНД, 2019. – С. 62-63.

Heckman J. (1979) *Sample Selection Bias as a Specification Error*//*Econometrica*. – 1979. – Vol. 47(1). – P. 153 – 161.

Меркулова Н.С. (2011) Капитализация коммерческого банка: стратегия, управления и развития. Монография. – Екатеринбург: LAP LAMBERT Academic Publishing, 2011. – 192 с.

Бердияров Б.Т. (2020) Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 73 б.

Омонов А.А. (2008) Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. И.ф.д. илм. дар. ол. учун дисс. – Тошкент, – 32 б.

Basel (2010) *Committee on banking supervision. Basel-III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems-Basel-III*, <http://www.bis.org/publications>.